

Ўзбекистон темир йўл транспортининг ривожланиш истикболлари

Илмий раҳбар: Р.Т.Тоштемиров. арх.н, Р.Т.Пардаев магистрант (СамДАҚИ)

Мамлакатимиз мустақиллика еришгандан сунг темир йўл транспортига алохида еътибор қаратила бошланди. Ўзбекистоннинг темир йўллари тарихи 1874-йилдан бошланган бўлиб, ушбу даврда махсус комиссия Оренбург-Тошкент темир йўли қурилишини зарур деб топган. Ўрта Осиёда темир йўлларнинг қурилиш тарихи 1880-йилда Каспийорти темир йўли қурилишидан бошланади. Ўрта Осиёда узунлиги 217 чақиримни ташкил этадиган биринчи темир йўл 10 ойда қуриб битказилди. 1881-йил 20-сентябрда Михайлов қўлтиғидан қизил Арватгача бўлган пўлат излар устидан поездлар қатнай бошлади. Кейинчалик қизил Арватдан Самарқандгача темир йўл давом эттирилди, ҳамда иккинчи Каспийорти темир йўл баталони ташкил этилди. 1895-йил май ойида муҳандис А.И.Урусатьев бошчилигида темир йўлларни Самарқанддан Тошкент ва Андижонгача давом эттиришга киришилиб, бу иш 4 йилдан сўнг ниҳоясига етказилди ва темир йўл узунлиги 2368 чақиримга етди. Йўлнинг 1748 чақирими Красноводск - Тошкент йўналишига, 294 чақирими Мурғоб, 306 чақирими Андижон тармоғига, 12 чақирими Когон – Бухоро ва 8 чақирими Марғилон – Фарғона худудларига тўғри келди. Шунингдек, темир йўлларда 99 бекат, 96 кўприк, нефт ва сув таъминоти иншоотлари, кўплаб турар жойлар, устахоналар, билим юртлари бунёд этилди. 1900-йилда темир йўл ихтиёрида 311 паровоз ва 4552 вагон бор эди. Йўлнинг ўтказиш имконияти 1903 йилда бир кеча-кундузда 17 жуфт поездни ташкил этди. Россия 1900-йил кузида Оренбург – Тошкент темир йўл қурилишини бошлаб юборди. қурилиш 2 томонлама - Оренбург ва Тошкентдан бошланиб, 1906-йилда умумий узунлиги 1736 чақирим бўлган Оренбург-Тошкент темир йўли фойдаланишга топширилди. 354 чақиримдан иборат Кинел – Оренбург тармоғи ҳам ўша йиллари қурилган эди. Бутун темир йўл тармоғи 1906-йилда 2090 чақиримдан иборат бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Тошкент – Оренбург йўналиши

иккинчи йирик темир йўл тармоғи бўлиб, у Ўрта Осиёни Россиянинг марказий саноат ҳудудлари билан боғлаган. Кейинчалик ички йўналишларни қуришга киришилган. Фарғона темир йўли, Когон-Термиз, қарши-Китоб ҳудудлари шулар жумласидандир. 1908-йилга келиб, темир йўл қурилишида хусусий тадбиркорлар ва турли хил акционерлик жамиятлари ҳам фаол қатнаша бошладилар.

Темир йўл транспорти эндиликда мамлакатимиз иқтисодиёти учун фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, давлатимиз ва ҳукуматимиз ҳам бу тармоққа катта эътибор қаратмоқда. Саноқли йиллар ичида бир неча километрларда янги йўллар қурилиб, қудратли корхоналар бунёд этилди. Мустақилликка эришганимиздан кейин Республикамизда катта ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда, шу жумладан, темир йўл соҳасида ҳам. Булардан бири Учқудуқ-Мискен-Султонузак темир йўл қурилишидир. Янги темир йўл лойиҳаси 1993-йилдаёқ тузилиб, кўплаб лойиҳалардан энг мақбули танлаб олинди. Ва 1996-йилдаёқ янги йўл қурилиши бошланди. Бу темир йўл тўла ишга тушгандан сўнг қорақалпоғистон республикасига, Хоразмга юк ташувчи ва йўловчи поездлари тўғридан-тўғри ўз юртимиз ҳудудидан борадиган бўлди. Бундан ташқари, янги корхоналар қурилиши, саҳро бағрида янги ерлар ўзлаштирилиши, темир йўл шоҳобчаларига хизмат кўрсатиш ҳисобига минг-минглаб иш жойларининг очилишига имкон яратди.

Янгиликлардан яна бири вагон таъмирлаш заводининг ишга тушишидир. Илгари бу завод ўрнида вагонларни депо даражасида таъмирлайдиган корхона бўлар эди. 1996-йил Ўзбекистон ҳукумати билан Япониянинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит битими имзоланди. Заводда ишчилар сони 1280 та бўлиб йилига 450 тагача вагонни ялпи таъмирлашга қурби етади. Алоҳида таъкидлаш лозим бўлган яна бир муҳим гап шуки, илгари вагонларимиз 50-70 минг АҚШ доллари эвазига Россияда таъмирланар эди. Энди эса катта миқдордаги валюта ҳам тежалмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ислохотлари натижасида Наманганда 3 қаватли темир йўл вокзали қад ростламоқда 3 қаватдан иборат вокзал қурилиши “Ўзтемирйўлйўловчи” акциядорлик жамияти буюртмаси асосида “Тоштемирйўллойиха” масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳалаштирилди.

Қурилишга 100 нафардан ортиқ ишчи-ходим ва ўнлаб замонавий техника жалб этилган. Замонавий архитектура ечимлари асосида қурилаётган бино ўзига хос кўркем қиёфага эга бўлади. Ҳозирда биринчи ва иккинчи қаватда жойлашган хоналарда қурилиш-монтаж ишлари якунланган бўлиб, пардозлаш жараёни давом этмоқда.

Вокзалда лойиҳа доирасида кутиш ва VIP заллари, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, тамаддихона ҳамда савдо шохобчалари ташкил қилинади. Юқори қаватга кўтарилиш учун замонавий лифтлар ўрнатилади. Кутиш залларида йўловчи поездларнинг қатнов жадвали акс этган электрон ойна, Wi-Fi, электрон кутубхона жорий этилади. Вокзал олдида ёзги айвон қурилиб, перрон кенгайтирилади. Вокзал ёнидаги “Локомотив” меҳмонхонасида ҳам қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Меҳмонхона 5 қаватдан иборат. Биринчи ҳамда иккинчи қаватда вокзалнинг маъмурий биноси ўрин олади. Илгари вокзал ичида жойлашган чиптахона меҳмонхонанинг биринчи қаватига кўчирилади.

Яна бир муҳим янгиликлардан бири бу Тошкент Жанубий вокзали 4 апрелдан иш бошлади Тошкент Жанубий вокзали Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ замонавий архитектура талаблари асосида тубдан реконструкция қилинди. Вокзалнинг умумий майдони 9,2 гектар бўлиб, 650 метрлик 3 та перронга эга. У ҳақда ЎЗА маълумот келтирди.

Вокзал ҳудудида диаметри 14 метрлик иккита замонавий фаввора қурилган. Бу ёз кунлари ҳудуддаги иқлим мусоффолигини таъминлаб, йўловчиларга кўтаринки кайфият бағишлайди.

Вокзал бир вақтнинг ўзида 500 йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлиб, бир кеча кундузда 20 000 нафар йўловчилар 19 поездларда кутиб олинади ва кузатилади. Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вокзал ҳудуди замонавий девор билан ўралган. Вокзал биноси, касса зали ва вокзал ҳудуди 170 та видеокузатув камералари билан таъминланган.

Йўловчиларнинг йўл ҳужжати, паспорти, багажи ва қўл юклари вокзал ҳудудига кириш жойининг ўзида текширилади. Вокзал биносида йўловчилар учун жаҳон стандартларига мос шароитлар яратилган. Бинода кутиш, VIP заллари, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, меҳмонхона, дам олиш хоналари, буфет, кўчма савдо нуқталари, газета ва журналлар, Wi-Fi интернет хизмати, электрон кутубхона, планшет хизмати, ширинликлар ва миллий совғалар сотиш шаҳобчаси, мобил қурилмалар учун қувватлантириш манбаи, электрон маълумотлар маркази ва таблоси, сайёҳлар зали ва замонавий лифт мавжуд.

Кутиш зали кўргазма ва телевизион ахборот воситалари билан жиҳозланган.

Йўловчиларга бир суткада 100 нафарга яқин ишчи хизматчи хизмат кўрсатади.

Кутиш зали ҳаво ҳарорати меъёрини таъминловчи совутгичларга эга. Чипталар вокзал ҳудудида жойлашган бўлиб, бир кеча кундузда 5000 та чипта сотилди, шу жумладан электрон чипталар рўйхатдан ўтказилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 15.04.1999й № 766-И
2. Ўзбекистон Республикаси Призидентининг “ Темир йул транспортини монополадан чиқариш ва аксиялаштириш чора тадбирлари тўғрисида” 2001.03.02 ПФ2815
3. Ўзбекистон Республикаси Призденти И.А. Каримов 2015.03.06. 23.13-сонли қарори.